

Маврулова Нилуфар Абдухалиловна,
Тошкент молия институти “Суғурта ва пенсия иши” кафедраси катта ўқитувчиси, PhD.

СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИДА ҚАЙТА СУҒУРТАДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШНИНГ НИСБИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ

Мақолада суғурта компанияларининг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятини таъминлашда қайта суғуртанинг ўрни тушунтирилган бўлиб, молиявий барқарорликни тавсифловчи индикаторлар келтириб ўтилган. Шунингдек, қайта суғуртадан фойдаланиши самарадорлигини аниқлашнинг нисбий кўрсаткичлари таклиф этилган.

В статье объясняется роль перестрахования в обеспечении финансовой устойчивости и платежеспособности страховых компаний и рассматриваются характеризующие индикаторы финансовой устойчивости. Также предложены относительные показатели определения эффективности использования перестрахования в страховых компаниях.

The article explains the role of reinsurance in ensuring the financial stability and solvency of insurance companies and considers characterizing indicators of financial stability. Also proposed are relative indicators for determining the effectiveness of reinsurance in insurance companies.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш ва аҳолини турли нохуш ҳодисалардан химоялашда суғуртанинг ўрни бекиёс. Мазкур соҳа иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида муҳим дастак вазифасини бажарган ҳолда мулкчиликнинг барча шаклларини табиий оғатлардан сақлашда ва хилма-хил фалокатлар натижасида инсониятга етказилган заарларни қоплашда моддий жиҳатдан кўллаб-қувватлайди. Шу нуқтаи назардан, суғурта компаниялари миллий иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳанинг барқарор ривожланишини таъминлаш борасида мамлакат молия тизимининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Суғурта компаниялари мижозлар таклиф этадиган рискларни қабул қиласар экан, у бўйича белгиланган мажбурият ҳажми компаниянинг молиявий имкониятларига мос бўлиши жуда муҳим. Суғурта обьектларига етказилган зарар ҳажмини тўлиқ қоплаш учун суғурталовчи тўловга лаёқатли ҳамда молиявий барқарор бўлиши талаб этилади. Бироқ суғурталовчи фаолиятида шундай вазиятлар бўладики, суғурта обьекти бўйича белгиланган мажбурият ҳажми компаниянинг молиявий имкониятларидан юқори келади ва бундай обьектни зиммасида қолдириши унинг тўлов қобилияти ёмонлашишини келтириб чиқаради. Бундай шароитда қайта суғурта механизми

суғурталовчининг молиявий барқарорлигини ҳамда тўлов қобилиятини таъминлашнинг мақбул йўналиши ҳисобланади. Суғурталовчи рискнинг ўз молиявий имкониятларидан ортиқ бўлган қисмини бир ёки бир неча қайта суғурталовчиларга бериб, ўз компаниясининг молиявий барқарорлигини таъминлади. “Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлиги” ибораси кенг қамровли бўлиб, унда суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти, ўз маблағлари манбалари суммасининг етарлилиги, шунингдек, зиммасидаги мажбуриятни камайтириш орқали ўз молиявий ҳолатини яхшилашга уриниши тушунилади. Суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлик даражаси нафақат ўзи, суғурта бозори, балки давлат учун ҳам муҳим аҳамиятга эга кўрсаткич ҳисобланади.

Қайта суғурта ҳар қандай суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим омил сифатида эътироф этилади. Ушбу фаолият суғурта ташкилотининг фаолиятига катта таъсир кўрсатиши мумкин бўлган катта ҳажмдаги заарлар вужудга келишининг олдини олади ва шу сабабли қайта суғурта суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлигини таъминловчи самарали инструмент ҳисобланади[1]. Мазкур амалиёт компанияларга жуда катта ва олдиндан кўриб бўлмайдиган рискларни банкротликдан кўркмасдан қабул қилиш имконини беради. Қайта суғурталашнинг мақсади суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини ва суғурта операцияларининг рентабеллигини таъминловчи мувозанатли суғурта портфелини яратишdir[2]. Демак, қайта суғурта нафақат суғурталовчиларни, балки суғурталанган йирик обьектларни ҳам молиявий йўқотишлардан ҳимоя қиласди, шу билан бирга давлатга суғурта фаолиятини амалга оширганлик бўйича солиқларнинг келиб тушишини кафолатлади. Қайта суғуртанинг асосий функцияси риски трансформациялаш ҳисобланади ва натижада суғурта жавобгарлигини ички ва ташқи бозорларда бир неча компаниялар ўртасида тақсимлашга эришилади. Суғурталовчи олинган риски тўла ёки қисман қайта суғуртага бериш истаги ҳақида суғурталанувчига маълумот беришга мажбур эмас. Қайта суғурта бўйича тузилган шартномага қарамай, суғурталовчи эҳтимол тутилаётган зарарни тўла ҳажмда қоплаш учун суғурталанувчи олдида жавобгар бўлиб қолади, қайта суғурталовчи учун у бевосита суғурталовчи ҳисобланади (1-расм).

Инновацион иқтисодиётда суғурта компаниялари молиявий барқарорлиги уларнинг фаолияти самарадорлиги, суғурта тизими ривожланиши ва суғурта бизнесига бўлган ишонч ошишини аниқловчи муҳим омил ҳисобланади. Компаниянинг барқарорлиги деганда унинг фаолиятида катта-кичик тасодифий ўзгаришлар натижасида ҳам одатдаги ҳолатни сақлаб туриш қобилияти тушунилади. Суғурта назорати органи талабларига мувофиқ, суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини таъминловчи омиллар ўз капиталининг етарлилиги, суғурталанувчилар олдидаги мажбуриятларни бажариш учун зарур даражада шакллантирилган суғурта

захиралари, иқтисодий асосланган сугурта тарифлари ва қайта сугурта тизими саналади.



1-расм. Қайта суѓуртани амалга ошириш жараёни¹

Корхонанинг молиявий барқарорлиги унинг тўлов қобилияти билан чамбарчас боғлиқ. Бу тушунчалар етарли даражада шартли бўлиб, қатъий чегарага эга эмас, шу сабабли қатор муаллифлар уни турлича талқин этади. Шунга кўра, М.С.Абрютина, В.В.Грачев “корхонанинг молиявий барқарорлиги – умид билан кафолатланган тўлов қобилиятидан бошқа нарса эмас...”, деб таъкидлайдилар[3]. Шунингдек, моливий барқарорликнинг асосий белгиси “...у ёки бошқа вақтдаги барча ликвидли активлар ва барча қисқа муддатли мажбуриятлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган соф ликвидли активлар мавжудлиги ҳисобланади”, деб кўрсатадилар. Бироқ “молиявий барқарорлик” ва “тўлов қобилияти” тушунчалари ўзаро яқин бўлса-да, улар айнан бир хил ҳисобланмайди. Муаллифлар фикрича, “молиявий барқарорлик” тушунчасига “келажакли тўлов қобилияти” яқинроқ. Хусусан, АҚШ ва бошқа қатор мамлакатларнинг ҳисоб-тахлилий амалиётида “молиявий барқарорлик” тушунчаси “узоқ муддатли тўлов қобилияти” тушунчаси билан алмаштирилган. А.В.Грачев молиявий барқарорлик айланма маблағларнинг айланиш тезлиги (айланувчанлиги) билан тавсифланувчи айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ, деб ҳисоблайди. Нафақат айланма маблағлар, балки корхонанинг барча ресурсларидан қанчалик самарали фойдаланилса, унинг молиявий ҳолати шунчалик барқарордир[4].

Суѓурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашга назарий ёндашувларни танлаш унинг натижавийлигига бевосита таъсир кўрсатганлиги учун муҳим назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга. Замонавий молия назарияси нуқтаи назаридан суѓурта компанияси молиявий барқарорлигини таъминлаш куйидагилар асосида шаклланади:

¹Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

– сугурта компанияси молиявий барқарорлиги омилларини тавсифловчи микдор кўрсаткичларини танлаш;

– стратегик менежмент воситаларидан фойдаланиб, сугурта компанияси молиявий барқарорлиги омилларининг ўзгариши.

Мазкур назария доирасида сугурта компанияси молиявий барқарорлигини таъминлаш қуйидаги тамойиллардан келиб чиқиши лозим:

– эгилувчанлик, чунки ташқи ва ички муҳитнинг ўзгариш динамикаси сугурта компанияси молиявий барқарорлиги ва уларнинг кўрсаткичларини тавсифловчи омиллар ўзгаришини асослайди. Бунда бошқарилмайдиган тоифага тааллуқли ташқи омиллар ичкilarига уларнинг микдорий ифодасини ўзгартирган ҳолда таъсир этади. Шу билан бирга, сугурта компанияси молиявий барқарорлигини бошқаришнинг мақбул модели муҳим ички омилларни ва мақсадли вазифаларни акс эттирувчи микдорий кўрсаткичларни танлашга боғлиқ. Сугурта компанияси молиявий барқарорлигини таъминлаш тизими ташқи ва ички омилларни, хўжалик юритиш шартлари ҳамда олинган натижаларга боғлиқлигининг ўзгариш имкониятларини кўзда тутиши лозим;

– қисмийлик (полиэлементлик). Сугурта компанияси молиявий барқарорлигини таъминлаш самарадорлиги фаолиятнинг асосий йўналишларини акс эттирувчи бир қанча муҳим омиллар ўзаро ҳаракатининг натижаси ҳисобланади;

– иерархиялик. Муҳим омиллар паст тартибдаги омиллар таъсирини бирлаштиради, унинг натижасида сугурта компанияси молиявий барқарорлигининг иерархик, кўп даражали тизими шаклланади;

– мувозанатлашганлик. Молиявий барқарорлик омилларининг ўзаро боғлиқлиги сугурта компанияси молиявий барқарорлигини таъминлашнинг ягона тизим сифатида баланслаштириш заруриятини аниқлайди;

– узлуксизлик. Сугурта компанияси молиявий барқарорлигини таъминлаш узлуксизлик хусусиятига эга ва унинг барча даражалари учун барқарор жараённи ўзида ифода этади.

Шундай қилиб, сугурта компанияси молиявий барқарорлигини таъминлашга таклиф этилаётган ёндашувнинг асосий қисмлари қуйидагилар ҳисобланади:

– ташқи ва ички муҳит таҳлилини (мақбулликни ишлаб чиқиш ва яқуний танлов) инобатга олган ҳолда стратегик мақсадлар ва мақсад ости вазифаларини қўйиш;

– сугурта компанияси молиявий барқарорлиги омилларини аниқлаш ва уларнинг иерархиясини ўрнатиш;

– сугурта компаниялари молиявий барқарорлиги омилларини тавсифловчи кўрсаткичларни танлаш;

– қўйилган мақсадларга эришиш бўйича амалий фаолият натижаларини баҳолаш, уларни назорат қилиш ва ўзгартириш.

Суғурта компанияси молиявий барқарорлигини таъминлаш унинг бош стратегик мақсади доирасида белгиланган “даромадлилик – риск – ликвидлилик” нисбати молиявий муносабатлар тизимига эришишга йўналтирилган жараённи ўзида ифода этади. Мос равишда белгиланган нисбатга мақсадли вазифа сифатида қаралади, суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича муайян масалалар мажмуаси эса даромадлилик, риск ва ликвидлиликнинг танланган миқдорий кўрсаткичлари ёрдамида талқин этилган. Шу билан бирга, муайян суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлашда асосий рол унинг молиявий ресурсларини ички тартибга солишга қаратилади. Бозор конъюнктурасининг ўзгарувчан шароитларида суғурта компанияларининг молиявий барқарорлик даражасини таъминлаш ва ошириш учун давлат даражасида белгиланган талабларни бажариш етарли эмас. Шунинг учун суғурталовчининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг мавжуд тизимиغا қўшимча равища қайта суғурта ҳимоясини қўллаш орқали рискларни бошқаришнинг самарали тизимини киритиш зарур. Ташкилотнинг молиявий барқарорлиги бир қатор кўрсаткичлар орқали ифодаланиши мумкин, бу эса белгиланган талабларни молиявий барқарорликни таъминлаш учун керак бўлган параметрлар тўплами сифатида шакллантиришни назарда тутади.

Молиявий барқарорлик ва тўлов қобилиятини миқдорий баҳолаш учун бир қатор кўрсаткичлар қўлланилади. Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини тавсифловчи индикаторлардан бири ўз маблағларининг коэффициенти (К) ҳисобланади. Мазкур коэффициент ўз маблағларининг бухгалтерия баланси бўйича капиталнинг умумий ҳажмидаги улушкини фоизларда белгилайди. Коэффициентнинг юқори даражаси (100 фоизгача) суғурталовчининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини англағатган ҳолда барча суғурталанувчи, наф олувчи ва бошқа кредиторлар олдидағи мажбуриятларнинг бажарилишини кафолатлайди. Шу билан бирга, хўжалик юритувчи субъектлар ўз маблағларидан фойдаланишининг самарадорлигини ошириш мақсадида мақбул даражада маблағларни жалб қилишга уринмоқда. Хорижий компаниялар амалиётида ўз маблағлари коэффициентининг 60-70 фоиз даражада бўлиши нормал ҳолат ҳисобланади.

Суғурталовчининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолашда ташкилотнинг қарз маблағлари коэффициенти ҳам қўлланилиши мумкин. Ушбу коэффициент қарз (жалб қилинган) маблағларининг жами капиталдаги улушкини фоизларда ифодалайди ва ўз маблағлари коэффициентига тескари кўрсаткич ҳисобланади. Хориж амалиётида қарз маблағларининг 30-40 фоиз даражада бўлиши нормал ҳолат. Эркин активлар ҳақиқий миқдорининг меъёрий миқдор билан солиштирилиши ҳам суғурталовчининг молиявий барқарорлигини миқдорий баҳолашнинг бир усулидир. Суғурталовчининг

тўлов қобилиятини миқдорий баҳолаш учун қуйидаги коэффициентлар қўлланилади:

- $K_{жл}$ – жами (жорий) ликвидлик коэффициенти;
- $K_{мл}$ – муддатли ликвидлик коэффициенти;
- K_m – ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти.

Жами (жорий) ликвидлилик коэффициенти қуйидаги формула бўйича хисобланади:

$$K_{жл} = A_m / M_{жл}$$

Бу ерда: A_m – суғурта компаниясининг айланма маблағлари (баланс активларининг II ва III бўлимлари умумий суммаси);

$M_{жл}$ – суғурта компаниясининг қисқа муддатли (1 йилгача) мажбуриятлари ҳажми:

- муддати бир йилгача бўлган юқори рискли суғурта шартномалари бўйича суғурта захиралари;
- бир йил ва ундан ортиқ муддатли ҳаёт суғурта шартномалари бўйича суғурта захиралари;
- қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар;
- бошқа қисқа муддатли қарзлар.

Жами (жорий) ликвидлик коэффициенти $K_{жл}$ суғурта компаниясининг жорий йилдаги қисқа муддатли мажбуриятларини қоплаш учун айланма маблағлар билан таъминланганлик даражасини тавсифлайди. Агар бу кўрсаткич 1,0 дан кам бўлса, бу қисқа муддатли мажбуриятларни қоплаш учун айланма маблағларнинг етарли эмаслиги, тўлов қобилиятининг паст даражасини ифодалайди.

Ликвидикнинг паст даражасига қуйидаги омиллар хавф солади:

- суғурталовчи томонидан унинг активлари ва мажбуриятлари нисбатининг меъёрига риоя этилмаслиги;
- юқори рискли обьектларнинг етарли даражада ўрганилмасдан суғурталаниши ва натижада суғурта суммасининг зааралилиги юз бериши;
- тариф сиёсати ва суғурта тарифларининг нотўғри ишлаб чиқилганлиги;
- дебиторлик қарзлари ва бошқа омиллар.

Хориж амалиётида жорий коэффициентнинг 1 дан 2 гача бўлган оралиқда бўлиши меъёрий миқдор ҳисобланади.

Муддатли ликвидлик коэффициенти ($K_{мл}$) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_{мл} = A_{юл} / M_{мл}$$

Бу ерда: $A_{юл}$ – суғурталовчининг юқори ликвидли активлари (пул маблағлари, давлат қимматли қоғозлари, банк депозитлари, суғурта компаниясининг ойлик, чораклик тўловларини амалга оширувчи тез пулга айланадиган бошқа активлар);

$M_{мл}$ – суғурта компаниясининг чорак, ой учун муддатли мажбуриятлари: жорий суғурта қопламалари; кредитлар ва қарзларни қайтариш; қайта

суғурталовчилар ва биргалиқда суғурталаш иштирокчилари, бюджет ва нобюджет фондлари ва бошқа кредиторлар билан ҳисоб-китоблар.

Муддатли ликвидлик коэффициенти суғурта компаниясининг ўз мажбуриятларини бажариши учун юқори ликвидли активлар билан таъминланганлигини белгилайди. K_m нинг 1,0 дан ортиқ бўлиши суғурта компаниясининг юқори ликвидли активлар билан тўлиқ таъминлангани ва тўлов қобилиятининг юқори даражасига эгалигини тавсифлайди. K_m нинг 1.0 дан кам бўлиши эса мажбуриятларни бажариш учун маблағларнинг етишмаслигини, бу эса тўлов қобилиятининг паст даражадалиги ва банкротлик хавфи борлигини англатади. Муддатли ликвидлик коэффициентининг меърий оралиғи 1 билан 2 ўргасида бўлади.

Суғурталовчининг ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти (K_m) унинг молиявий ҳолати ва кредиторларнинг талабини қондириш лаёқатини англатади ва у 0,5 дан кам бўлмаслиги шарт. Агар $K_m > 0,5$ бўлса, суғурталовчига банкротлик хавф солмайди ва барча мажбуриятларини бажаришга қодир. $K_m < 0,5$ ҳолатида эса тўлов қобилиятини йўқотиш ва банкротлик эҳтимоли вужудга келади. Битта шартнома бўйича қабул қилинган мажбурият ҳажмининг суғурталовчининг ўзида қолдирадиган улушдан ортиб кетиши мажбуриятларнинг компания молиявий имкониятларидан ортиқ қисмини қайта суғуртага бериш лозимлигини назарда тутади. Акс ҳолда битта катта тўлов компаниянинг молиявий барқарорлигига жиддий салбий таъсир этиши ҳам мумкин.

Дарҳақиқат, суғурта компаниясида тўлов қобилиятининг етарлилиги унинг салоҳиятини оширибина қолмай, ўз мижозлари билан узоқ муддатли ҳамкорликни ҳамда потенциал мижозлар оқимини рағбатлантиради. Қуйида суғурта компанияларида тўлов қобилиятини таъминлаш ва молиявий барқарорликка эришиш мақсадида қайта суғуртадан фойдаланишни ташкил этиш ва самарадорлигини аниқлашнинг нисбий кўрсаткичлар тизими таклиф этилади (1-жадвал).

1-жадвал

Суғурта компанияларида қайта суғуртадан фойдаланишни ташкил этиш ва самарадорлигини аниқлашнинг нисбий кўрсаткичлар тизими

№	Кўрсаткичлар	Аниқлаш тартиби	Белгилар изохи	Ҳолати	Талқини
1.	Жами ликвидлик коэффициенти	$\frac{A_m}{M_{km}}$	Бунда: A_m – суғурталовчининг айланма маблағлари; M_{km} – суғурталовчининг қисқа муддатли мажбуриятлари	< 1	Суғурта компаниясининг жорий йилдаги қисқа муддатли мажбуриятларини қоплаш учун айланма маблағлар билан таъминланганлик даражасини тавсифлайди ва унинг 1 дан кам бўлиши тўлов

					қобилиятининг паст даражасини ифодалайди.
2.	Муддатли ликвидлик коэффициенти	$\frac{A_{\text{юл}}}{M_M}$	Бунда: <i>A_{юл}</i> - сугурталовчининг юқори ликвидли активлари; <i>M_M</i> - сугурталовчининг муддатли мажбуриятлари	< 1	Сугурта компаниясининг ўз мажбуриятларини бажариши учун юқори ликвидли активлар билан таъминланганлигини белгилайди ва унинг 1 дан кам бўлиши тўлов қобилиятининг паст даражасини ва банкротлик хавфи борлигини англаради.
3.	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	K_m	Бунда: <i>K_m</i> - сугурталовчининг ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	< 0.5	Компания молиявий ҳолати ва кредиторлар талабини қондириш лаёқатини англаради ва у 0,5 дан кам бўлганда тўлов қобилиятини йўқотиш ва банкротлик эҳтимоли вужудга келади.
4.	Қайта сугурта тарифининг сугурта тарифига нисбати	$\frac{K_{\text{СТ}}}{CT}$	Бунда: <i>K_{СТ}</i> -қайта сугурта тариф ставкаси; <i>СТ</i> -тўғридан-тўғри сугурта тариф ставкаси	< 1	Қайта сугуртадан фойдаланиш самарадорлигини ва тўлов қобилияти таъминланнишини назарда тутади.

Юқорида санаб ўтилган барча ҳолларда қайта сугурта механизмини қўллаш самарали бўлиб, сугурта компаниясининг тўловга лаёқатлилиги ортиши ва молиявий барқарорликка эришилиши таъминланади.

Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган мазкур тизимни сугурта компанияларида қўллаш қайта сугуртанинг самарадорлигини янада оширади. Умуман олганда, сугурта компанияларида тўловга лаёқатлиликни саклаш ва молиявий барқарорликни таъминлашнинг қатор омиллари мавжуд, улар орасида қайта сугурта механизмини қўллаш энг мақбул усул ҳисобланади, асосийси, нафақат компания, балки мамлакат сугурта ва қайта сугурта бозори салоҳиятини ҳам оширади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Lyubov Ivanovna Shevchenko, Svetlana Anatolyevna Ivanova, Ludmila Yurievna Grudtsina, The Legal Nature of the Reinsurance Contract, International Journal of Civil Engineering and Technology 10 (2), 2019, p. 1603.
2. Шеннаев Х.М., Ширинов С.Э. Қайта суғурта. – Т.: Иқтисод-молия, 2009. 11-б.
3. Абрютина М.С., Грачев А.В. Анализ финансово-экономической деятельности предприятия. Учебно-практическое пособие. – М.: Дело и сервис, 1998. С. 20.
4. Грачев А.В. Основы финансовой устойчивости предприятия // Финансовый менеджмент. – М.: 2003. №4.